



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 14 » iyun

№ 368

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида сувда дам олиш ва пляж туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жиззах ва Навоий вилоятларининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, шу жумладан сувда дам олиш ва пляж туризмини ташкил этиш, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа инфратузилма обьектларини барпо этиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимлигининг **Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳамда Тўдакўл кўлида рекреацион кўллар ҳудудини ташкил этиш таклифига розилик берилсин.**

2. Куйидагилар:

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Тўдакўл кўли рекреацион кўллар ҳудудида (кейинги ўринларда – рекреацион кўллар ҳудуди) **2021–2025 йилларда туризмни ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;**

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Тўдакўл кўли рекреацион кўллар ҳудудида туризм хизматларини ривожлантириш дастури **2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари:

уч ой муддатда рекреацион кўллар ҳудудининг чегараларини белгиласин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2021 йил 1 декабрга қадар лойиҳа институтларини жалб этган ҳолда рекреацион кўллар ҳудудининг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда батафсил

режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилгандан сўнг икки ой муддатда рекреацион кўллар ҳудуди ва уларнинг атрофида йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш манзилли дастурини ишлаб чиқсин ва 2022-2024 йилларда инвестиция дастурига босқичма-босқич киритилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

рекреацион кўллар ҳудудига киравчи ер участкаларини тадбиркорларга бериш, уларда қурилиш ва барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш Туризм ва спорт вазирлиги билан мажбурий тартибда келишилади;

рекреацион кўллар ҳудудига кириш нуқтасида тегишлигича Навоий ва Жиззах вилоятлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ахборот маркази ва замонавий автотурагоҳ ташкил этилади.

5. Куйидагилар рекреацион кўллар ҳудудида устувор равишда амалга ошириладиган йўналишлар этиб белгилансин:

замонавий туризм инфратузилмаси объектларини (пляж ва сувда дам олиш туризми, кўллар кирғоги бўйлаб сайр қилиш йўлаклари, меҳмонхона мажмуалари, соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар) барпо этиш ҳамда **туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш**;

ҳудуднинг экологик муҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, туризмнинг алоҳида турлари, шу жумладан замонавий пляж, фаол ва сафари туризм ҳамда сув спорти турларини ташкил этиш;

ҳудудда ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва **хайвонларнинг генетик фондини саклаш**, шунингдек, фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олиш ва минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

худуднинг транспорт логистикасини ривожлантириш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (автобус, микроавтобус, фуникулёр ва бошқалар) йўналишлари ҳамда йўловчи транспортининг ҳаракатини ташкил этиш;

туристлар хавфсизлигини ҳудудни видеокузатув тизимлар билан жиҳозлаш, огохлантириш тизимларини ташкил этиш ва фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш;

ҳудудда энергиянинг муқобил ва қайта тикланувчи манбаларини қўллаган ҳолда **янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий қилиш**.

6. Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда рекреацион кўллар ҳудудида ҳосил

бўладиган майший чиқиндиларни олиб чиқиш билан боғлиқ ишларни тизимли равишда ташкил этсин;

бир ой муддатда рекреацион кўллар худудида ноқонуний барпо этилган бино ва иншоотларни ҳамда ноқонуний фаолият кўрсатиб келаётган субъектларни аниқлаш ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўрсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимларни ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рекреацион кўллар худудида қутқарув бригадасини ва унинг фаолиятини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Ўзсуvtъминот” АЖ билан биргаликда уч ой муддатда рекреацион кўллар худудида ҳосил бўладиган майший оқоваларни олиб чиқиш ва заарсизлантириш учун унга энг яқин бўлган майший оқоваларни тозалаш иншоотларига олиб бориш ёки оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда рекреацион кўллар худудида интеллектуал транспорт, геомаълумот тизими ва бошқа шу кабиларни назарда тутувчи хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалик пляжлар худудида ҳаво шарларида экспурсияларни ташкил қилиш, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспорти (“караванинг”) хизматлари, “Балиқчилик” мактаби ҳамда “Зорбинг-марказ” аттракционини ташкил қилиш бўйича лойиҳа таклифини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимларни ҳамда мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

қарор билан белгиланган вазифалар ижросининг доимий назоратини ташкил этиш, ижроси юзасидан мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 5 санасига қадар белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиб бориш чораларини кўрсинг.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов, Навоий вилояти ҳокими К.Турсунов ва Жиззах вилояти ҳокими Э.Салиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” июндаги 368-сон қарорига
1-илова

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Тўдакўл кўли рекреацион кўллар худудида 2021–2025 йилларда туризмни ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳамда Тўдакўл кўлида (кейинги ўринларда – рекреацион кўллар худуди) туризмни ривожлантириш концепцияси мақсади Жиззах ва Навоий вилоятларининг туристик салоҳиятини ривожлантириш, худудлар иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва ҳиссасини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикасини такомиллаштириш, мұхандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, шунингдек, янги туристик йўналишларни шакллантириш, аҳолининг дам олиши учун шарт-шароитларни яратиш, туризм хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳисобланади.

Айни пайтда Арнасой, Зафаробод ва Фориш туманлари худудида **45** та замонавий меҳмонхона ҳамда **150** та меҳмон уйларини ташкил этиш режалаштирилган. Сайёҳларнинг худудда узокроқ муддат қолишини таъминлаш мақсадида миллий урф-одат ва анъаналар, тўй-маросимлар, кўнгилочар тадбирлар намойиш этиш, табиатга, шунингдек, маданий-тарихий масканларга саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, худуднинг туризм салоҳияти ва бой табиий ресурсларини инобатта олган ҳолда, жойлаштириш воситалари, санаторийлар ва дам олиш масканлари етарли даражада ривожланмаганлиги, туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифатининг пастлиги ва сонининг чегараланганилиги сабабли юқоридаги кўрсаткичлар қониқарсиз ҳисобланади.

Концепция рекреацион кўллар ҳудудини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш босқичларини белгилаб беради ҳамда қуйидаги устувор йўналишларни амалга оширишни назарда тутади:

I-боб. Рекреацион кўллар ҳудудини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий чора-тадбирларини амалга ошириш механизмлари

1. Туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларга эга замонавий туризм инфратузилмаси объектлари, шунингдек, маҳсус, функционал ва мавсумий дам олиш мажмуасини яратиш

1.1. Рекреацион кўллар ҳудудида замонавий меҳмонхоналар, жумладан апарт-меҳмонхоналар, апарт-уйлар, бутик-меҳмонхоналар ва бошқаларни ўз ичига олган жойлаштириш воситалари мажмуасини яратиш.

1.2. Пляж ва спорт туризмини ривожлантириш, тиббий, шунингдек, экстремал (параапланлар ва дельтапланлар) туризм билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш учун етарли туризм инфратузилма объектларини яратиш, замонавий дор йўлларини қуриш.

1.3. Сувда дам олиш хизматлари (сув чанғиси, акваскипер, FlyBoard ва бошқа) ҳамда маданий-кўнгилочар марказлар (кинотеатрлар, караокебарлар, боулинг, кўнгилочар марказлар ва бошқалар) фаолиятини ташкил этиш.

1.4. Рекреацион кўллар ҳудудида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш.

1.5. Рекреацион кўллар ҳудудида Wi-Fi зоналарини кенгайтириш ва барқарор фаолият кўрсатувчи стационар ва уяли алоқа фаолиятини таъминлаш, туристик инфратузилма объектларида, шу жумладан меҳмонхоналар, мотель, кемпинглар ва дам олиш, шунингдек, умумий овқатланиш ва бошқа жойларда банк карталаридан тўловларни қабул қилиш учун тадбиркорлик субъектларини тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда заруриятга кўра банк хизматларига бўлган талабдан келиб чиқсан ҳолда банкоматларни ўрнатиш.

1.6. Рекреацион кўллар ҳудудида тадбиркорлик ва ишбилармонлик тадбирларини (MICE tourism) ўтказишга мўлжалланган конгресс-холл, рекреация ва дам олиш масканлари, инвесторларни жалб қилишга қаратилган “Investor show room”, шунингдек, туристларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ахборот марказларини (“Visitor center”) ташкил қилиш.

1.7. Спорт-соғломлаштириш ҳамда бошқа туризм объектлари, замонавий муҳандислик инфратузилмалари, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш.

2. Транспорт воситаларининг эркин ҳаракатини таъминлаш, худудда янги турдаги транспорт ҳаракатини жорий этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш

2.1. Рекреацион кўллар ва унга олиб борувчи республика ва маҳаллий даражадаги йўлларини қуриш ва таъмирлаш.

2.2. Туристларга қулай шароит яратиш мақсадида Жиззах ш. – Арнасой – Тошкент ш. ҳамда Жиззах ш. – Арнасой – Самарқанд ш. йўналиши бўйича темир йўл орқали йўловчи ташиш тизимини йўлга қўйиш.

2.3. Хусусий транспорт воситаси билан ташриф буюрувчи туристлар учун рекреацион кўллар худудида автомобилни қолдириш ва жамоат транспорти тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида худудга киришда махсус автотурагоҳларни ташкил этиш.

2.4. Барча йўналишларни қамраб олувчи жамоат транспортининг ички тармоғини ривожлантириш ва рекреацион кўллар худудига олиб борувчи турли хилдаги транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини ташкил этиш.

2.5. Жамоат транспорти учун алоҳида йўлакларни ташкил этиш, барча ижтимоий гуруҳлар талабларига жавоб берадиган замонавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш.

2.6. Пиёда сайрларни амалга ошириш учун шароитлар, рекреацион кўллар худуди бўйлаб алоҳида тротуарлар, шунингдек, велосипед йўлаклари ва велотурагоҳлар яратиш, велосипед ижараси тармоғини ташкил этиш.

2.7. Табақалаштирилган тарифлар бўйича (шахсий транспорт воситалари учун юқори ставкалар, жамоат транспорти ва электромобил воситалари учун белпул) пуллик автотурагоҳларни яратиш.

2.8. Электромобиллар, электробуслар ва транспорт воситаларининг гибрид турларидан фойдаланган ҳолда алоҳида транспорт тармоғини шакллантириш, бундай транспорт воситаларига хизмат қўрсатиш учун тегишли инфратузилма обьектларини ташкил этиш.

3. Туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш

3.1. Кўрсатиладиган туризм хизматлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш.

3.2. Туристларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш.

3.3. Якка ва уюшган туристларнинг оммавий жамланадиган ва мураккаб табиий тўсиқларга эга жойларда ҳамда сув худудида профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, оғир аҳволда қолган шахсларга зарур ёрдам

кўрсатишига ва туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган туристик назорат ва кутқарув хизматлари тизимини яратиш.

3.4. Туристлар учун фавқулодда вазиятларда харакатланиш тартиби, шунингдек, кутқарув хизматлари, хуқуқни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдам ва “тезкор алоқа линияси” телефон рақамлари ҳақида батафсил маълумот берувчи ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, рекреацион кўллар худудининг Call-center хизматини ишга тушириш.

3.5. Туристларни потенциал хавф-хатарлар ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот билан таъминлаш мақсадида огоҳлантиришнинг самарали тизимини яратиш, жумладан, туризм инфратузилма обьектларида доимий видеокузатув тизимини жорий этиш.

3.6. Рекреацион кўллар худудида лойиҳа бўйича режалаштирилаётган туристик обьектлар барпо этилиб, зарур инфратузилма яратилганидан сўнг, ташриф буюрадиган туристлар оқимидан келиб чиқсан ҳолда ушбу худудда ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмасини ташкил этиш.

3.7. Рекреацион кўллар худудида фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3.8. Пляж зоналарида дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, пляж акваториясини белгилаш, кичик ҳажмли кемалар турадиган базаларни (иншоотлар) причал ва пирслар (кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жойлар)ни қуриш уларни белгиланган тартибда жиҳозлаш, шунингдек, кутқарув постларини ташкил этиш уларнинг жавобгарлик зоналарини белгилаш, тиббий ёрдам масканларини жойлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Янги замонавий энергия тежовчи тизим ва технологияларни жорий этиш орқали ноёб экологик тизимни саклаб қолиш

4.1. Тунги вактларда ёритиш тизимларини такомиллаштириш, кўчаларни ёритишнинг автоматлаштирилган бошқариш тизимидан фойдаланиш, шунингдек, бошқа замонавий усул ва технологияларни кенг жорий этиш чораларини кўриш.

4.2. Кўчалар ва пиёда йўллари орасида яшил майдонларни яратиш, пиёдалар йўллари бўйлаб манзарали дарахтлар ва гуллар экиш.

4.3. Маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш орқали иккиласмчи моддий

ресурсларини ва қаттиқ майший чиқиндиларни алоҳида йигиш ва қайта ишлаш тизимини яратиш.

4.4. Энергия тежамкорлигини таъминлаш учун энергия самарадор технологиялардан фойдаланиш, жумладан, бино ва иншоотларда энергия тежамкор ёритиш ва иситиш асбобларини қўллаш ҳамда электр энергиясида ишловчи ўзиорар ускуналардан фойдаланиш.

4.5. Муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенгроқ фойдаланиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторнинг харажатларини қисман ва тўлиқ компенсация қилиш учун мавжуд механизмлардан фойдаланиш.

5. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ҳудуднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш

5.1. Реал вақт режимида туризм хизматлари кўрсатиш имкониятини берувчи рекреацион кўллар ҳудудининг расмий веб-сайтини яратиш.

5.2. Рекреацион кўллар ҳудуди ҳақидаги маълумотларни “Википедия” сайтида мунтазам жойлаштириб бориш, туристик порталлар (uzbekistan.travel ва бошқа соҳавий сайтлар) ҳамда оммабоп ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини яратиш.

5.3. Рекреацион кўллар ҳудудининг тўлиқ географик жойлашувини унинг туризм обьектлари ҳақидаги маълумотлари билан бирга “Google Maps”га жойлаштириш.

5.4. QR-кодлар тизимини туризм йўналишлари бўйлаб жойлаштириш, жойлаштириш воситалари, жамоат транспорти ҳамда маданий-кўнгилочар ва спорт тадбирлари чипталарини онлайн банд қилиш ва сотиб олиш тизимларини жорий этиш.

5.5. Рекреацион кўллар ҳудудининг туризм салоҳияти ва мавжуд туризм хизматларини халқаро ва республика миқёсида фаол тарғиб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

5.6. Рекреацион кўллар ҳудудида маҳаллий ва халқаро миқёсдаги маданий-кўнгилочар, спорт тадбирлари, йирик форум, конференция ва бошқа MICE тадбирларни ўтказиш имкониятларини тарғиб қилиш ҳамда мунтазам ташкил этилишини таъминлаш мақсадида алоҳида тарғибот механизмини жорий этиш.

5.7. Ҳудуднинг туризм имкониятларидан ва кўрсатиладиган хизматлардан келиб чиқиб, рекреацион кўллар ҳудудининг тегишли туристлар гурухлари ўртасида тарғиб қилиш бўйича маркетинг стратегияси (таргетлаштирилган маркетинг)ни олиб бориш.

6. Туризм соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш

6.1. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи юқори малакали кадрларни мунтазам тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг малакасини мустақил баҳолаб бориш тизимини яратиш.

6.2. Рекреацион кўллар ҳудудида фаолият кўрсатувчи персоналнинг тегишли ўқув масканлари ва таълим муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш.

6.3. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида самарали кўнишка ва билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш.

6.4. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

II-боб. Кутилаётган натижалар

Рекреацион кўллар ҳудудини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш натижасида куйидагиларга эришилиши кутилмоқда:

Жиззах ва Навоий вилоятларининг бой туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга эришиш, янги туризм маҳсулотларини яратиш ва фаол тарғиб қилиш.

Худудда туризм соҳасини ривожлантириш учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қила оладиган халқаро даражадаги рақобатбардош туризм ва дам олиш мажмуаларини яратиш, туризм соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши, шу асосда туризм хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш.

Ҳар бири 5 йиллик даврни ўз ичига олган 3 босқичда куйидаги натижаларга эришилади:

Биринчи босқичда, жами **204** ўринли **6** та жойлаштириш воситаси ташкил этилиши режалаштирилган. Шунингдек, ҳудудда экотуристик объектлар, овчилик ва сувда дам олиш ҳудудлари ташкил этилади. Бундан ташқари ҳудудда кемпинглар мажмуаси, ўтов лагерлари, сендвич панел ва бошқа турдаги енгил конструкциялардан жойлаштириш воситалари барпо этилади;

Иккинчи босқичда, Айдаркўл атрофидаги **33 минг гектар** ҳудудда янги туристик ҳудудлар, жойлаштириш воситаси, соғломлаштириш масканлари, спорт тадбирлари ўтказиладиган майдонлар барпо этилади;

Учинчи босқичда, 300 ўринли жойлаштириш воситалари ва спорт тадбирлари ўтказиладиган майдонлар ташкил этилади, 1 200 ўринга мўлжалланган автотуурургоҳ ҳамда савдо худуди барпо этилади.

Рекреацион кўллар худудига биринчи босқичнинг сўнггида йиллик **10 000** нафар турист ташриф буюриши ҳамда 2040 йилда йиллик туристлар сони **30 000** кишига етиши кутилмоқда.

Рекреацион кўллар худуди ва унга олиб борувчи **271** км йўлларни таъмирлаш ва қуриш ишлари амалга оширилади.

Жиззах ва Навоий вилоятларига ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий туристлар сонининг йиллик ўсиши туфайли кўрсатиладиган туризм хизматлари ҳажмининг ўсиши ва 2025 йилгача вилоятда жами туризм хизматлари экспортини **600** минг АҚШ долларига етказишга ёрдам беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” июнданги 368-сон қарорига
2-илова

**Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳамда Тўдакўл кўлида туризм хизматларини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
I. Айдар-Арнасой кўллар тизимини ривожлантириш					
1.	Айдар-Арнасой кўллар тизими (кейинги ўринларда – кўллар) худудининг туристик харитасини яратиш.	1. Ягона туристик харитани ишлаб чиқиш. 2. Туристик харитани электрон шаклини мутасадди идораларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш.	2021 йил 1 декабрь 2021 йил 20 декабрь	Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси	Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Жizzах вилояти ҳокимлиги, Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси
2.	Кўллар худудида сувда дам олиш турлари ва пляж туризмини ривожлантириш.	1. Кўллар худудида туризм инфратузилмаларини ташкил этиш истагида бўлган ташаббускор тадбиркорни аниқлаш. 2. Кўллар худудида муносиб ер майдонини аниқлаш.	2021 йил ноябрь 2022 йил январь	Ташаббускор маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси
3.	Кўллар тизимига йўловчиларни ташиш учун темир йўлларни ётқизиш бўйича дастлабки ҳисоб-китобларга эга таклиф тайёрлаш.	1. “Айдар-Арнасой кўллар тизимига” кирувчи энг яқин темир йўл станцияларини аниқлаш. 2. Темир йўлни ётқизиш бўйича дастлабки ҳисоб-китобларга эга таклиф ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил июль 2021 йил август	-	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Жizzах вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
4.	Кўллар худудига доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш.	1. Тошкент – Арнасой йўналиши бўйича автобус қатновини йўлга қўйиш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш. 2. Автобус қатновини белгиловчи қатнов жадвалини ишлаб чиқиши.	2021 йил июль 2021 йил август	Ташаббускор маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш маңбай	Бажариш учун масъуллар
5.	“E-IJRO AUKSION” электрон савдо тизими орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан харид қилинган ер майдонларида барпо этилган туристик масканлар инфратузилмасини яхшилаш.	<p>1. Ер майдонига туташ сувли қирғоғидан кўлнинг ички қисми йўналиши бўйича худудни тадбиркорга бириктириш.</p> <p>2. Бириктирилган сувли майдонда тоза пляж худудини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p>	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси, Туризм ва спорт вазирлиги
6.	Кўллар тизими Тузкон кўли кирғофининг 97 ва 98-сонли контурлари бўйлаб велосипед, квадрацикл, от ва туюда сайр қилиш худудларини ташкил қилиш.	<p>1. 10 километр масофада 3 метр энликдаги велойўлакларни барпо этиш.</p> <p>2. Велойўлаклар бўйлаб электр чироқларини ўрнатиш.</p> <p>3. Миллий ва бошқа таомларни тайёрловчи кўчма ва тез пишар ошхоналарни ташкил этиш.</p> <p>4. Айдар-Арнасой кўллар тизимини тарғиб қилувчи сувинир ва ҳунармандчилик буюмлар савдосини йўлга кўйиши.</p> <p>5. Худудда саёҳат маршрутлари мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ифодаловчи пешлавҳаларни ўрнатиш (ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда).</p> <p>6. Худудда дам олиш ўриндиклари ва чиқинди кути идишларини барпо этиш.</p> <p>7. Велосипед, квадрацикл, от ва туюларда сайир қилиш учун улар ижарасини ташкил этиши.</p>	2023 йил март	Ижрочи ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат солик қўмитаси
7.	Кўллар тизимининг туристик салоҳиятини кўрсатувчи тарғибот материалларини хорижий мамлакатларда ўтказиладиган туристик ва бошқа тадбирларда тақдимотлар ўтказиш.	<p>1. Хорижий мамлакатлар учун кўллар тизимининг туристик салоҳиятини кўрсатувчи тарғибот материалларини тайёрлаш.</p> <p>2. Хорижий мамлакатларда ўтадиган кўргазмаларда кўллар тизимининг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш.</p>	Доимий	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Жizzах вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Бажариш учун масъуллар
8.	Кўллар тизими худудида 97 ва 98-сонли контурларда сувда сайр қилиш ва чўмилиш худудларини барпо этиш.	1. Чўмилиш худуди чегарасини белгилаш ва хавфсизлик чораларини кўриш. 2. Сувда сузиш курилмаларини барпо этиш. 3. Чўмилиш анжомларининг ижарасини ташкил этиш. 4. Чўмилиш худуди қирғоғига соябонлар ўрнатиш. 5. Яхна ичимликлар, музқаймоқлар ва бошқа хизмат турларини ташкил этиш.	2023 апрель	Ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
9.	Автотранспортлар учун автотурагоҳларни ташкил этиш.	1. Автотранспорт воситалари учун камида 0,2 га майдонда автотурагоҳларни ташкил этиш. 2. Автотурагоҳ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларни ташкил этиш.	2022 йил октябрь	Ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
10.	Кўллар тизими худудида тозалаш, санитария, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш.	1. Ҳар ойнинг охирги шанбасида санитар тозалаш тадбирларини ташкил этиш. 2. Худуд атрофида иқлимга мослашувчи дараҳт ва бошқа ўсимлик турларини экиш.	Доимий 2022 йил март	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси
11.	Кўллар тизими худудида инфратузилма билан боғлиқ ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	1. Фориш тумани “Учқулоч” МФЙдан Айдаркўл кўлигача бўлган 10 км масофада электр таъминотининг кўшимча линияларини барпо этиш. 2. Арнасой тумани “Наврўз” МФЙда 1 дона кўшимча трансформатор подстанциясини ўрнатиш.	2023 йил сентябрь	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Жizzах вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаси	Бажариш учун масъуллар
		<p>3. Кўллар тизими худудидан танланган 97 ва 98-сонли контур худудларига тоза ичимлик сув кувирини олиб бориш.</p> <p>4. Электр жихозларини асосиз ишлатишни камайтириш ва қайта тикланадиган электрэнергия манбаларини қўллаш чораларини кўриш.</p>			
12.	Халқаро ва республика даражадаги маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларини ўтказиш.	<p>1. Ҳаваскорлик балиқ овлаш спорт тадбирларини ўтказиш.</p> <p>2. Байдаркада сузиш мусобақаларини ўтказиш.</p>	<p>Лойиха ишга тушгандан сўнг</p> <p>Доимий</p>	<p>Ижрочи маблағлари хисобидан</p>	<p>Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси</p>
13.	Кўллар тизими худудида ҳаво шарларида экскурсияларни ташкил қилиш, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жихозланган ер усти транспорти (“караванинг”) хизматлари, “Балиқчилик” мактаби хамда “Зорбинг-марказ” аттракционини ташкил қилиш бўйича лойиха таклифини ишлаб чиқиш.	<p>1. Таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Махкамасига киритиши.</p> <p>2. Таклифлар асосида белгиланган туристик-кўнгилочар обьектларни ташкил қилиш чораларини кўриш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2022 йил август</p>	<p>Ижрочи ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари хисобидан</p>	<p>Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар</p>
14.	Мактаб ўқувчилари ва талабалар учун ёзги таътил даврида экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш ва саёҳатлар ташкил қилиш.	Ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	<p>2022 йил сентябрдан бошлаб доимий</p>	<p>Ижрочи маблағлари хисобидан</p>	<p>Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги</p>
15.	Кўллар тизимининг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича реклама маҳсулотлари (буклет, брошура, видео) тайёрланишини, туристик ташкилотлар ва ОАВ	<p>1. Кўллар тизимининг жозибадорлиги тўғрисида реклама ва видеороликлар тайёрлаш.</p> <p>2. Туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган тарғибот материаллари</p>	<p>2022 йил август</p> <p>2022 йил сентябрь</p>	<p>Ижрочи маблағлари хисобидан</p>	<p>Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
	вакиллари учун инфотурлар ташкил этилишини таъминлаш.	(буклет, брошюра ва бошқалар)ни тайёрлаш. 3. Туризм соҳаси субъектлари ва ОАВ вакиллари учун инфотурлар ташкил этиш.			
16.	Кўллар тизимида балиқ ва балиқ маҳсулотларини етиштириш, ихтисослаштирилган балиқчилик кластерларини ташкил этиш, туризмни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиха таклифларини ишлаб чиқиш.	1. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини етиштирувчи инвесторлар билан учрашувлар ташкил этиш. 2. Кўллар тизимида туризмни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиха таклифларини ишлаб чиқиш.	2022 йил март 2022 йил апрель	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Айдар-Арнасой кўллар дирекцияси
17.	Кўллар тизимининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб, турпакетлар ишлаб чиқиш.	1. Худуднинг туризм салоҳиятини инобатга олган ҳолда, турпакетлар (маълум вақтга мўлжалланган ва тоифалangan нархларда) яратиш. 2. Турпакетларни интернет тармоқлари ҳамда саёҳат ташкил қилувчи корхоналарга тақдим қилиш.	2022 йил сентябрь	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
18.	Ташриф буюрувчилар вақтини самарали ўтказиш ва маҳаллий аҳоли даромадини ошириш учун турли хизматларни ташкил қилиш.	1. Маҳаллий аҳолини тадбиркорликка жалб қилган ҳолда овактланиш, кўнгилочар, сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқишига жалб қилиш. 2. Велопрокат, отда сайр қилиш, балиқ овлаш каби хизматларни ташкил қилиш. 3. Маҳаллий аҳоли ва туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун хизмат сифатини ошириш бўйича тарғибот тадбирларини ташкил қилиш.	2022 йил сентябрь	Ижрочи ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
19.	Кўллар тизими атрофидаги маҳаллаларда оиласвий меҳмон уйларини ташкил этиш.	1. Маҳаллаларда тарғибот ишларини амалга ошириш. 2. Ташаббускорлар мурожаатини ўз вақтида кўриб чиқиш ва амалий ишларда кўмаклашиш.	2022 йил июль	-	Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
20.	Кўллар тизими худудида туризм обьектлари тўғрисида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот берувчи ахборот кўрсаткичларини ташкил қилиш.	1. Ахборот кўрсаткичларини умумий кўринишини (дизайн) тайёрлаш. 2. Тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм обьектлари ва туристларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида маълумот берувчи ахборот кўрсаткичларини ўрнатиши.	2022 йил сентябрь 2023 йил март	Ижрочи ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, тадбиркорлик субъектлари
21.	Айдаркўл сув ҳавзаси қирғоқлари атрофида пляж худудларини ташкил қилиш мақсадида камида 50 га бўш ер майдонларини конунчиликда белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўриш.	1. Айдаркўл сув ҳавзаси атрофидаги бўш турган ер майдонларини хатловдан ўтказиши. 2. Айдаркўл сув ҳавзаси атрофидаги бўш турган камида 50 га ер майдонида ҳар томонлама қулай бўлган худуддан ажратиш чораларини кўриш.	2021-2023 йиллар	Ташаббускорлар маблағлари	Кадастргентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси
22.	Тадбиркорлик субъектларига қулийликлар яратиш мақсадида, Айдаркўл сув ҳавзасида ташкил этилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳаларнинг лойиҳа паспорти ва смета харажатларини ишлаб чиқиши.	1. “Айдаркўл” сув ҳавзасига ташкил этиладиган инвестицион лойиҳалар рўйхатини шакллантириши. 2. Шакллантирилган рўйхатга асосан лойиҳа паспорти, эскизлари ҳамда смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши.	2021 йил август	Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси	Туризм ва спорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
23.	Айдаркўл сув ҳавзасидаги бўш ер майдонлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига бериладиган имтиёзлар хақида доимий равишда ижтимоий тармоқлар ва ОАВлар орқали кенг ёритиб бориши.	1. “Айдаркўл” сув ҳавзасидаги бўш ер-майдонлари рўйхатини шакллантириши. 2. Сув ҳавзаларида ҳамда енгил конструкция (кемпинг, ўтовли лагерлар, коптинер)лар билан ташкил этиладиган обьектлар учун бериладиган субсидия ва грантлар	2021 йил август 2021 йил сентябрдан бошлаб доимий	Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси	Туризм ва спорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаси	Бажариш учун масъуллар
		хақида доимий равишда ОАВларидан ёритиб бориши.			
24.	Айдаркүл сув ҳавзасида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб қилиш.	<p>1. Хорижий давлатлар элчихоналарига кўллар тизимида ташкил этилиши режалаштирилган инвестицион лойиҳаларни тақдим этган ҳолда хорижий инвесторларни жалб қилиш.</p> <p>2. Маҳаллий тадбиркорларни жалб қилиш чораларини кўриш.</p>	2022 йил ноябрь	Ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан	Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
25.	Айдаркүл сув ҳавзаси қирғоги атрофида кўллар тизими учун танланган бўш ер майдонида электр энергияси, истеъмол гази ҳамда ичимлик суви каби манбаларини ташкил этиш чораларини кўриш.	<p>1. Махсус лойиҳа институти билан биргаликда ўрганиш ўтказиш ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Электр тармоқлари учун таянч устунларини ўрнатиш.</p> <p>3. Электр тармоқларини таъмирлаш.</p> <p>4. Мавжуд трансфарматорларни таъмирлаш ва яроқсиз ҳолга келиб қолганларини алмаштириш.</p> <p>5. Электр жиҳозларини асоссиз ишлатишни камайтириш ва қайта тикланадиган электр энергия манбаларини қўллаш чораларини кўриш.</p> <p>6. Марказлашган ичимлик суви нуктасини ташкил этиш.</p> <p>7. Тадбиркорлик субъектларига суюлтирилган газ етказиб берилишини таъминлаш.</p>	<p>2022 йил январь</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2023 йил июнь</p>	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалик вазирлиги
26.	Айдаркүл сув ҳавзасига ҳамда соҳил бўйи дам олиш масканларига олиб борувчи автомобиль йўлларини таъмирлаш, йўл кўрсатгич	1. 4R-57 Конимех-Айдаркүл автомобиль йўлининг 121 қисмидан Айдаркүл худудига олиб борувчи 10 км йўлини таъмирлаш чораларини кўриш.	2023 йил август	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Бажариш учун масъуллар
	белгиларини ўрнатиш чораларини кўриш.	2. Нурота ва Конимех туманларидан Айдаркўл сув ҳавзасига олиб борувчи ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, шағал тўкиш ва асфальт ётқизиш. 3. Нурота ва Конимех туманларидан Айдаркўл сув ҳавзасигача бўлган автомобиль йўлларда туристик йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш.			
27.	Айдаркўл сув ҳавзаси қирғоқлари атрофида дам олиш ҳамда пляж туризмини ташкил қилиш ва уни қисқа муддатларда ривожлантириш чораларини кўриш.	1. Айдаркўл сув ҳавзаси қирғоқларида пляж туризмини ривожлантириш. 2. Айдаркўл сув ҳавзаси қирғоқларида пляж туризмини ривожлантириш мақсадида хориждан сув транспорт воситалари (картер, сув скутер ва бошқалар)ни олиб келган тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.	2023 йил июнь	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
28.	Хорижий ҳамда маҳаллий сайёхларнинг Айдаркўл сув ҳавзаси худудига ташриф сонини ошириш ҳамда уларга бир қанча қулайлик яратиш мақсадида Айдар-Арнасой сув ҳавзасининг Навоий вилояти қисмидан Жиззах вилоятигача бўлган масофада сув сатҳини аниқлаш. 2. Айдаркўл сув ҳавзасида сув транспортларидан иборат мини портлар ташкил қилиш. 3. Мазкур сув транспортларини Республика худудига олиб кириш юзасидан жорий қилинган имтиёзлардан кенг фойдаланиш юзасидан тадбиркорлик субъектларига тушунтириш ишларини олиб бориш.	1. Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув маршрут рейсларини ташкил этиш мақсадида, Навоий вилоятидан Жиззах вилоятигача бўлган масофада сув сатҳини аниқлаш. 2. Айдаркўл сув ҳавзасида сув транспортларидан иборат мини портлар ташкил қилиш. 3. Мазкур сув транспортларини Республика худудига олиб кириш юзасидан жорий қилинган имтиёзлардан кенг фойдаланиш юзасидан тадбиркорлик субъектларига тушунтириш ишларини олиб бориш.	2023 йил июнь	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Транспорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, тадбиркорлик субъектлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш маңбай	Бажариш учун масъуллар
29.	Айдаркүл сув ҳавзасига ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий сайёхларни узоқ муддат қолишларини таъминлаш ҳамда бўш вактларини мазмунли ўтказиш мақсадида кечки маданий-кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш.	1. Айдаркүл сув ҳавзасига ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий сайёхларни узоқ муддат қолишларини таъминлаш ҳамда бўш вактларини мазмунли ўтказиш. 2. Ҳаваскорлик балиқ овлаш спорт тадбирларини ўтказиш. 3. Сув спорт мусобақаларини ўтказиш.	2022 йил июль	Ижрочи маблағлари хисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, тадбиркорлик субъектлари
30.	Айдаркүл сув ҳавзаси атрофида санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш ва мавжудларининг ҳолатини яхшилаш.	1. Санитария-гигиена шохобчасини жойлаштириш нуқталари рўйхатини шакллантириш. 2. Санитария-гигиена шохобчасини қуриш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига бўш ер майдонларини ажратиш. 3. Санитария-гигиена шохобчасини замонавий талабларга мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш.	2021 йил декабрь 2022 йил март 2023 йил апрель	Ижрочи ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари хисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, тадбиркорлик субъектлари
31.	Айдаркүл сув ҳавзаси атрофида мавжуд ҳамда ташкил этилаётган дам олиш масканларининг “Туристик харитаси”ни ишлаб чиқиши.	1. Айдаркүл сув ҳавзаси худудидаги обьектлар рўйхатини шакллантириш. 2. Туристик харитага тегишли маълумотлар базасини киритиш. 3. Харитани яратиш учун намунавий дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиши ва тайёрлаш чораларини кўриш. 4. Туристик харитани электрон шаклини мутасадди идораларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш.	2022 йил май	Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан	Кадастр агентлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
32.	Айдаркүл сув ҳавзаси атрофида туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида чиқинди ташлаш кутилари сонини	Айдаркүл сув ҳавзаси атрофидаги дам олиш масканларида унинг умумий сифимини инобатга олган ҳолда чиқинди кутилар сонини белгилаш ва ўрнатишни ташкил қилиш.	2022 йил март	Ижрочи маблағлари хисобидан	Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси, Навоий вилояти ҳокимлиги, “Тоза худуд” давлат унитар корхонаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
	кўпайтириш ишларини амалга ошириш.				
33.	Айдаркўл сув ҳавзаси атрофида интернет сифатини яхшилаш ҳамда Wi-Fi нуқталарини кўпайтириш чораларини кўриш.	Сув ҳавзаси атрофидаги дам олиш масканларида ҳамда қирғоқ бўйи соҳилларида Wi-Fi нуқталарини кўпайтириш ҳамда тезлигини ошириш.	2022 йил июль	Маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
34.	“Айдаркўл” сув ҳавзасининг туризм салоҳиятини ёритиб берувчи видеоролик, турли тиллардаги тарғибот ҳамда тарқатма материаллари (флаер, буклет ва ҳоказо)ни тайёрлаш.	“Айдаркўл” сув ҳавзасининг туризм салоҳияти ҳамда мазкур ҳудудда мавжуд дам олиш масканлари тўғрисида ведиоролик, турли тиллардаги тарғибот ҳамда тарқатма материаллари (флаер, буклет ва ҳоказо)ни тайёрлаш.	2022 йил декабрь	Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
35.	Юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан огохлантириш тизимини куриш, мавжудларини такомиллаштириш, шунингдек юз бериши мумкин бўлган ёнгинарни ўчириш учун сув гидрантлари ёки сув ҳовузларини куриш ва уларни жиҳозлаш борасидаги вазифаларни белгилаш.	1. Ҳудудда жорий ҳолатни ўрганиш. 2. Ташибилий ишлар режасини, талаб этиладиган маблағлар ҳажмини ва амалга ошириш муддатларини аниқлаш.	2021 йил август	Ижрочи маблағлари хисобидан	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Жizzах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
36.	“Айдаркўл” сув ҳавзаси бўйлаб “круиз” – сувда саёҳат турларини ташкил этиш.	1. Хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганган ҳолда круиз хизматларини ташкил этиш йўналишларини белгилаш; 2. Тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда кемаларда саёҳат ташкил этиш чораларини кўриш; 3. Ташкил этилган круизларнинг кенг тарғиботини амалга ошириш; 4. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг таништирув саёҳатларини ташкил этиш.	2023 йил май	Ташаббускорлар маблағлари	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
37.	“Абу Ваккос”, “Темир Дарвоза”, “Зомин” миллий табиат боғи, Нурота тоғ тизмалари, Хожи нуридин мадрасаси, “Айдаркүл” кўли манзиларини назарда тутувчи туризм махсулотларини ишлаб чиқиш.	<p>1. Тадбиркорлик субъектлари билан янги туризм махсулотларини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Ишлаб чиқилган махсулотларни туризм соҳаси субъектлари ўртасида кенг тарғиб қилиш;</p> <p>3. Маршрут бўйлаб кўшимча хизматлар кўрсатилишини шакллантириш;</p> <p>4. Янги маршрут бўйлаб умумий йўловчи ташувчи транспорт харакатланишини йўлга қўйиш.</p>	2022 йил май	-	Туризм ва спорт вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги,

II. Тўдакўл кўли худудини ривожлантириш

38.	“Тўдакўл” сув ҳавзаси қирғоқлари атрофида туризм инфратузилмасини ташкил қилиш учун камида 50 гектар бўш ер майдонини ажратиш.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофидаги ҳар томонлама кулай бўлган худуддан камида 50 гектар бўш турган ер майдонини белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўриш.	2022 йил март	Ижрочи маблағлари хисобидан	Кадастр агентлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
39.	“Тўдакўл” сув ҳавзаси қирғоқлари атрофида бир неча йиллар аввал ахолига ажратилган ер майдонларидан самарасиз фойдаланилаётганларини аниқлаш ҳамда мазкур ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтариш чораларини кўриш.	“Тўдакўл” сув ҳавзаси қирғоқлари атрофида қонуний ва ноқонуний фаолият юритиб келаётган ва бир неча йиллар аввал фуқарога ажратилган мазкур ер майдонларида ҳеч қандай туризм обьекти қурилмаганларини рўйхатдан ўtkазиб мазкур ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтариш ва уларни лотларга бўлиб “E-IJRO AUKSION” электрон тизими орқали туризм соҳасидаги тадбиркорларга ажратиш.	2022 йил май	Ижрочи маблағлари хисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўрмон хўялиги давлат қўмитаси, Солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
40.	“Тўдакўл” сув ҳавзаси қирғоқлари атрофида туризм инфратузилмасини ташкил қилиниши режалаштирилган бўш ер майдонларини лотларга бўлиб	Ажратилган ер майдонини лотларга бўлиб қисқа муддатларда “E-IJRO AUKSION” тизими орқали тадбиркорларга ажратиш ва турстик	2022 йил декабрь	Ташаббускорлар маблағлари хисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Туризм ва спорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
	“E-IJRO AUCTION” электрон тизими орқали тадбиркорларга ажратиш чораларини кўриш.	инфраструктурани яратиш натижасида атрофдаги маҳаллий ахолини иш билан таъминлаш ҳамда даромадини ошириш.			
41.	Тўдакўл сув ҳавзаси қирғоғи атрофида танланган бўш ер майдонида электр энергия, истеъмол гази ҳамда ичимлик суви каби манбааларини ташкил этиш чораларини кўриш.	1. Электр тармоқлари учун таянч устунларини ўрнатиш. 2. Электр тармоқларини таъмирлаш. 3. Мавжуд трансформаторларни таъмирлаш ва яроқсиз ҳолга келиб қолганларини алмаштириш. 4. Марказлашган ичимлик суви нуқтасини ташкил этиш. 5. Истеъмол гази учун марказий газ тақсимлаш пунктини ташкил этиш.	2023 йил апрель	Ижрочи маблағлари хисобидан	Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгаётазъминот” АЖ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
42.	Навоий шахридан Тўдакўл сув ҳавзасига олиб борувчи 4Р-69 йўл қисмидаги узунлиги 85 км йўлнинг қопламаси ҳолатини тўлиқ яхшилаш чораларини кўриш.	1. Автомобиль йўлларини асфальт қилиш. 2. Ички кўчаларни текислаш ва шагал ётқизиш. 3. Йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш. 4. Ёритгичлар учун таянч устунларини ўрнатиш.	2023 йил июль	Ижрочи маблағлари хисобидан	Автомобиль йўллари қўмитаси, Навоий вилоят ҳокимлиги
43.	Тўдакўл сув ҳавзаси қирғоқлари атрофини сайёхлар ташрифи учун кулай масканга айлантириш юзасидан тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда қўшимча хизматлар (енгил конструкцияли дам олиш масканлари, умумий овқатланиш шохобчалари ва кўнгилочар масканлар, экстремал туризм хизматлари)ни ташкил этиш чораларини кўриш.	1. Тўдакўл сув ҳавзасида ташкил этиладиган лойиҳалар рўйхатини шакллантириш. 2. Лойиҳаларнинг смета ҳужжатлари ва проектларини ишлаб чиқиши. 3. Мазкур лойиҳаларни ташкил этиш мақсадида хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш. 4. Лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини жорий этиш.	2022 йил май 2022 йил июль 2022 йил октябрь 2022 йил декабрь	Ташаббускорлар маблағлари хисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Инвестиция ва ташки савдо вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Солиқ қўмитаси хузуридаги Қурилиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
44.	Тўдакўл сув ҳавзаси кирғоқларида янги технологияларга асосланган турли хилдаги сув транспортлари мавжуд мини порт ташкил қилиш.	Тўдакўл сув ҳавзасида сув транспортларидан иборат мини порт ташкил қилиш учун мазкур сув транспортларини Республика ҳудудига олиб кириш юзасидан жорий қилинган имтиёзлардан кенг фойдаланиш ҳамда тадбиркорларга мазкур имтиёз ҳақида тушунчалар бериш.	2023 йил июль	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
45.	Хорижий ҳамда маҳаллий саёхларнинг Тўдакўл сув ҳавзаси ҳудудига ташриф сонини ошириш ҳамда уларга бир қанча қулайлик яратиш мақсадида мазкур ҳудудда темир йўл станцияларини ташкил этиш чораларини кўриш.	Қизилтепа туманининг темир йўл станциясидан Бухоро вилояти темир йўл станциясига қадар бўлган оралиқда Тўдакўл сув ҳавзаси атрофидан ўтувчи станция ташкил қилиш бўйича лойиҳаларнинг смета хужжатлари ва проектларини ишлаб чиқиш ҳамда уни қисқа фурсатларда амалга ошириш.	2023 йил март	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги
46.	Тўдакўл сув ҳавзаси кирғоқлари атрофига дам олиш ҳамда пляж туризмини ташкил қилиш ва уни қисқа муддатларда ривожлантириш чораларини кўриш.	1. Пляж туризмини ривожлантириш бўйича ижобий синовдан ўтган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш. 2. Тўдакўл сув ҳавзасининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, пляж туризмини ташкил қилиш ва уни қисқа муддатларда ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2021 йил ноябрь 2022 йил февраль	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Солик қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги
47.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофидаги барча дам олиш масканларини инвентаризациядан ўтказиш ҳамда 10 га яқин самарасиз фаолият юритаётган катта ва кичик давлат обьектларини хусусийлаштириш чораларини кўриш.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофидаги барча қонуний ва ноқонуний дам олиш масканларини инвентаризация қилиш ҳамда самарасиз ва фойдаланилмасдан келаётган 10 га яқин катта ва кичик давлат обьектларини хусусийлаштириш чораларини кўриш.	2022 йил июль	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
48.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш ва мавжудларининг ҳолатини яхшилаш.	<p>Санитария-гигиена шохобчасини жойлаштириш нуқталари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>Санитария-гигиена шохобчасини куриш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига бўш ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш.</p> <p>Санитария-гигиена шохобчасини замонавий талабларга мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2023 йил март</p>	Ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Софликни сақлаш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
49.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида “Туризм харитаси”ни ишлаб чиқиши.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этиладиган дам олиш масканлари рўйхатини шакллантирган ҳолда хорижий ва маҳаллий туристларни ўзига жалб қилувчи инновацион технологияларга асосланган ягона “Туризм харитаси”ни жорий қилиш ҳамда бунинг натижасида сайёҳларга бир қатор қулайликлар яратиш.	2023 йил ноябрь	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Туризм ва спорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
50.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида ташкил этилаётган ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида чиқинди ташлаш кутилари ҳамда ўриндиклар ўрнатиш, сонини кўпайтириш ва йўлакларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофидаги дам олиш масканларида унинг умумий сифимини инобатга олган ҳолда ўриндиклар ҳамда чиқинди қуттилар сонини белгилаш ва ўрнатиш шунингдек велосипедда ҳаракатланиш осон бўлиши учун маҳсус йўлакларни ташкил қилиш.	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2023 йил март</p>	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, “Тоза худуд” ДУК

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбай	Бажариш учун масъуллар
51.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида хорижий ва маҳаллий сайёхлар учун ҳунармандчилик маҳсулотлари мавжуд бўлган сувенир дўконларини ташкил этиш.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида ташкил қилинган дам олиш масканларида сайёхлар гавжум бўладиган нуқталарида ҳунармандчилик маҳсулотлари мавжуд бўлган сувенир дўконларини ташкил этиш.	2023 йил апрель	Ижрочи ва ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, “Хунарманд” уошмаси
52.	Маҳаллий ва хорижий сайёхларга кулагицклар яратиш мақсадида Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида интернет сифатини яхшилаш ҳамда Wi-Fi нуқталарини кўпайтириш чораларини кўриш.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида ташкил қилинган дам олиш масканларида сайёхлар гавжум боладиган нуқталарида ҳамда қирғоқ бўйи соҳилларида Wi-Fi нуқталарини кўпайтириш ҳамда тезлигини ошириш.	2022 йил июль	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
53.	Навоий шахридан Тўдакўл дам олиш худудига олиб борувчи янги йўналишни ташкил қилиш ҳамда Навоий шахар автошоҳбекатда мазкур йўналишда қатновчи автотранспорт воситалари учун бўш майдон ажратиш чораларини кўриш.	Навоий шахридан Тўдакўл дам олиш худудига кунига икки марта қатнайдиган янги транспорт қатнови йўналишини ташкил қилиш ҳамда автошоҳбекатда мазкур йўналиш учун алоҳида худуд ажратиш.	2022 йил ноябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Транспорт вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
54.	Тўдакўл сув ҳавзаси атрофида велосипед йўлакларини ташкил қилиш, йўлаклар бўйлаб тунги кўча ёритиш тизимини ўрнатиш чораларини кўриш.	Велосипедда ҳаракатланиш учун маҳсус йўлакларни ташкил қилиш ҳамда ушбу йўлакларда тунги ёритгичларни ўрнатиш.	2022 йил ноябрь	Ижрочи маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ-

